

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «PREMIUM TECHNO MEBEL» МЧЖ (бундан буён «Етказиб берувчи» деб юритилади), унинг номидан жамият раҳбари З.Мадрахимов бир томондан ва Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Аудитсони Саҳобов иккинчи томондан (бундан буён «Харидор» деб юритилади) куйидаги мазмунда шартнома тузилди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Етказиб берувчи» Ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги маҳсулотларни етказиб беради, «Харидор» эса ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олиб, ҳисоб - китоб қилади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	1 донаси нархи (сўм)	Жами суммаси, сўм	ҚҚС (15%) сўмда	Жами қиймати (сўм)
1	Wi-Fi router - TL-WR840N	дона	2	570 000	1 140 000	148 696	1 140 000
2	Офис компьютери	дона	8	2 580 000	20 640 000	2 692 174	20 640 000
3	Офис компьютери (сервер учун)	дона	1	3 600 000	3 600 000	469 565	3 600 000
4	Веб камера (модел 400 лик)	дона	4	600 000	2 400 000	313 043	2 400 000
5	Принтер 3в1 - CANON MF 445 DW	дона	1	7 200 000	7 200 000	939 130	7 200 000
6	Ноутбук - LENOVO i5-1135G7/8GB/1TB/MX350	дона	1	8 000 000	8 000 000	1 043 478	8 000 000
7	Принтер - CANON LBP2900	дона	2	2 645 000	5 290 000	690 000	5 290 000
8	Микрофон - YS-412	дона	4	350 000	1 400 000	182 609	1 400 000
Ж А М И :		x	23	x	49 670 000	6 478 696	49 670 000

Шартноманинг умумий суммаси: ҚҚС 6478696 суммаси билан 49 670 000 (қирқ тўққиз миллион олти юз етмиш минг) сўм

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1 Ҳисоб-китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.2 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% ини олдиндан аванс тарикасида «Етказиб берувчи»нинг ҳисобрақамига ўтказиб беради.
- 2.3 «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳисобварақ-фактураларига асосан «Харидор» маҳсулот суммасининг қолган 70% ини 30 кун ичида ўтказиб беради.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

- *«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- *олинадиган маҳсулотлари «Харидор»га унинг транспортида ташилганда «Етказиб берувчи»дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- *«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;
- *зарур сифатга эга бўлмаган маҳсулотларни шунга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштирилишни талаб қилиш;
- *мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи» дан талаб қилиш.

3.2 «Харидор»нинг мажбуриятлари:

*ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

3.3 «Етказиб берувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- *Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Харидор»дан талаб қилиш;
- *Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилиш асосан рад этилиши натижасида зарар қопланишини «Харидор»дан талаб қилиш;
- *«Харидор»га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ ёки «Харидор» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

4. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1 Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳолда бундан мустасно.
- 4.3 «Харидор»нинг розилиги билан товар ва маҳсулотларни муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан қабул қилинган маҳсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.
- 4.4 «Харидор» сифатсиз бўлган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5 Етказиб берилган маҳсулотлари бевосита «Харидор»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган маҳсулотлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

